



QUERY PROMPT-ITS TACTICAL FEATURES WHEN CONDUCTING A SEARCH EVENT

Atoev Alisher Azamat o'g'li

Teacher of the Department of operative searching activities of the
Academy of the Republic of Uzbekistan
E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2024

Accepted: 17th April 2024

Online: 18th April 2024

KEY WORDS

Survey, human rights, freedoms and legitimate interests, Operational-Search event, operational units, mental-emotional state, consequentialism.

ABSTRACT

This article developed proposals and recommendations on the tactical features of operational-search measures, on problems in conducting operational-search measures with persons as a result of their emotional, psychological, social and moral nature and specific tactical features in solving the problems of operational-search activities.

ОПРОС - ЕГО ТАКТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ОПЕРАТИВНО-ПОИСКОВОГО МЕРОПРИЯТИЯ

Атоев Алишер Азамат угли

Преподаватель кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД
Республики Узбекистан
E-mail: atoyevalisher56@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2024

Accepted: 17th April 2024

Online: 18th April 2024

KEY WORDS

Опрос, права, свободы и законные интересы человека, оперативно-розыскное мероприятие, оперативные подразделения, психо-эмоциональное состояние, результативность.

ABSTRACT

В данной статье разработаны предложения и рекомендации о тактических особенностях проведения оперативно-розыскных мероприятий, о проблемах при проведении оперативно-розыскных мероприятий с лицами в результате их эмоционально-психологического, социального и нравственного характера и специфических тактических особенностях в решении задач оперативно-розыскной деятельности.

СЎРОВ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШДА УНИНГ ТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Атоев Алишер Азамат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги



ARTICLE INFO

Received: 10th April 2024

Accepted: 17th April 2024

Online: 18th April 2024

KEY WORDS

Сўров, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, тезкор-қидириув тадбiri, тезкор бўлинмалар, руҳий-эмоционал ҳолат, натижадорлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада сўров тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишида унинг тактик хусусиятлари, шахслар билан эмоционал-психологик, ижтимоий ва ахлоқий жиҳатлар натижасида сўров тезкор-қидириув тадбiriни амалга оширишдаги муаммолар ва тезкор-қидириув фаолияти вазифаларини ҳал этишдаги ўзига хос тактик хусусиятлари ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало инсон қадри, унинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини юксалтиришга қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари энг асосий мезон сифатида баҳоланади. Жумладан, тезкор-қидириув фаолиятида ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек қонуний манфаатларни муҳофаза қилиш устуворлик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқ”лик [1] тамойили кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 17-мақсади (Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ҳалқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш) учинчи қисмида “Тезкор-қидириув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш” [2] лозимлиги назарда тутилган.

Жиноятичилликка қарши курашиб ҳар бир давлатнинг муҳим ва асосий вазифаси ҳисобланади. Инсон тинч ва хотиржам яашни хоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади. [3]

Инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг асосий мақсад, вазифа ва принциплари сифатида алоҳида аҳамият касб этган ҳолда, ички ишлар органлари томонидан бу борада аниқ ва таъсирчан механизmlар орқали натижадорликка эришилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь кунидаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”[4]ги Қонун бунга яққол мисол бўла олади.



Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 3-моддасига мувофиқ, ушбу фаолиятни унинг асосий мазмунини ташкил этувчи тезкор-қидирув тадбирларини ўtkазиш орқали амалга ошириш назарда тутилган.[5]

Қонунинг 7-моддасида “Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўtkазиша инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт”,[6] - деб кўрсатилганини бевосита тезкор-қидирув тадбирлари жараёнларида бу муносабатларнинг таъминланиши аниқ ва равshan тарзда баён этилганинидан далолат беради.

Хусусан, Қонунинг 14-моддасида “**сўров**” тезкор-қидирув тадбири тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган тадбир эканлиги кўрсатиб ўтилган.[7]

Ушбу тадбир жиноятчиликка қарши курашиш борасида тезкор-қидирув йўллар билан зарур маълумотларни қўлга киритишнинг энг кўп тарқалган усулларидан бири ҳисобланади. Унинг обьектини ёши, мансаби ва ижтимоий мавқеи, диний эътиқоди ва бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъий назар зарур маълумотларга эга бўлган ҳар қандай шахс ташкил этиши мумкин. Тадбирнинг тезкор қизиқиши уйғотувчи обьектлари қаторига қўйидаги тоифадаги шахслар киради:

- а) жиноий фаолиятга алоқадор шахслар ва уларнинг яқин алоқалари;
- б) жиноий тажовуз қурбони (жабрланувчиси)га айланган шахслар;
- в) жиноят гувоҳ ва шоҳидлари;

г) касби, ўқиши, яшаш ёки ишлаш жойи, қизиқишилари ва бошқа ҳолатларга кўра жиноят содир этганлар ҳақида ахборотга эга шахслар.[8]

Тезкор-қидирув фаолиятида сўров ўtkазишдан кўзланган мақсад обьектив жиҳатдан яширин ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларидан атайнин сир сақланаётган ахборотни олишdir, бу эса унинг тадқиқот, излов хусусиятини, жиноятчиликка қарши кураш масалаларини ҳал қилиш учун муҳим яширин ахборотни аниқлаш(топиш)га йўналганликни кўрсатади. [9]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-модданинг биринчи қисмида, далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертина сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтуб; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани экспертиза қилиш; эксперимент ўtkазиш; экспертиза тадқиқотларини ўtkазиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва хужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўtkазиш йўли билан тўпланади, [10] - деб кўрсатилган.



Айнан далилларни түплашда “сұров” тезкор-қиди्रув тадбириңинг ўрни бекіёс бўлиб, ушбу тадбирда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар куч ва воситаларидан минимал даражада фойдаланилади. Шунингдек, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари сұров объекті ҳисобланган шахслар билан мулоқотга киришиш жараёніда уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бевосита, ўзаро ҳамкорлик асносида жамиятда тутган ўрнини ҳисобга олмасдан мулоқотни йўлга қўйишади. Бунда инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ўз маромида ҳамда инсоний фазилатлар асосида қурилади.

Аммо, ҳозирги кунда кўпгина ҳолларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмалари томонидан жиноятчиликка қарши курашишда мураккаб усуллар ва йўналишлар орқали ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги судлар, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини баъзи бир шубҳаларга олиб келмоқда.

Тезкор-қидириув фаолиятида қонунчиликка риоя этиш, маълумотлар олиш жараёнлари анча ёпиқ тарзда ташкил этилгани сабабли унинг қонунийлиги, амалга ошириш жараёніда қонунчиликка риоя этилиши, маълумотларнинг ҳақиқийлиги юзасидан жуда кўп саволлар туғилишига сабабчи бўлмоқда. [11]

Шунинг билан биргаликда “сұров” тезкор-қидириув тадбирини қўллашда амалиёт ходимлари томонидан далил бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар, фикрлар, шахслар ва уларнинг алоқаларига муҳим аҳамият берилмаслиги жиноятларнинг фош этилишини бир қадар мураккаблаштироқда.

Шуни ёдда тутиш лозимки, жиноятларнинг кўпгина шоҳидлари ёхуд аҳамиятли маълумотларга эга бўлган бошқа шахслар, айрим сабабларга кўра, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқа қилишдан қочиб, бундай маълумотларни айтмайдилар. Шу боис тезкор ходимлар сұров ўтказиши жараёнининг турли усулларини тўғри ва тактик жиҳатдан профессионал равишда қўллашлари шарт. [12]

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир шахс маълумот тақдим этар экан келгусида ўзининг шахсий хавфсизлигини хавф остига қўйиши истамайди. Мулоқотга киришиш жараёніда ўзини ўта эҳтиёткорона тутишга ҳаракат қиласи. Асосий мақсад – сұхбатни қисқа қилиш ва қизиқиш уйғотовчы маълумотларни бермаслик. Айнан ана шундай ҳаракатлар жиноятчиликка қарши курашишда вужудга келаётган тўсиқлар десак, муболаға бўлмайди.

Муаммо шундаки, тезкор бўлинмалар томонидан сұров тезкор-қидириув тадбирини ўтказишида сұхбатдошнинг субъект сифаатида иштирок этишни хохоламаслиги ҳисобланади.

Сұров тадбири сўралувчи шахснинг ихтиёрий равишида мулоқот қилишга рози бўлган тақдирда ўтказилади.[13] Тадбир орқали биринчи навбатда инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминланса, иккинчидан жиноят-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ далиллар тўпланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Сўровнинг мазмуни шундаки, тадбир жараёніда ахборотга эга шахс хотирасида сақланаётган маълумотларни тиклаш ва сўраётган шахсга оғзаки шаклида беришга ундалади. Сўров натижасида бевосита ва билвосита кузатилиши мумкин бўлган



ахборот нутққа айлантирилади, объектив шаклга киради, шу боис идрок этишнинг имкони пайдо бўлади.[14]

Бунда тезкор ходимлар қуйидаги жиҳатларга эътибор беришлари лозим:

Биринчи жиҳат сўров обьекти бўлган шахсларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Чунки, инсонларда жиноят содир этган шахс бу маълумотларнинг ким берганлигидан хабар топиши мумкинлигидан қўрқув ҳисси ёки келгусида суд ва тергов органларига чақиртирилиб турилиши уларнинг ҳаловатидан воз кечишига ҳамда одатий ҳаётий фаолиятдан чалғишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда мулоқот жараёнида тўсиқларнинг вужудга келишида намоён бўлади.

Бу борада россиялик олима Л.А.Камалиева “сўров тегишли ижтимоий-психологик ҳамкорлик асосида яратилган оператив ходим ва сұхбатдош ўртасида бирламчи оғзаки маълумотларни тўплаш усули ҳисобланади”, [15] - деб таърифлаган.

Иккинчи жиҳат обьекнинг ҳодиса ва шахслар билан бир макон (*худуд*) чегарасида истиқомат қилишлари бўлиб, келгусида ён-атрофда яшовчи шахслар ҳамда жиноят содир этган шахс ёки унинг яқин қариндошларининг маломатига қолиш хавфининг юқори эканлиги ҳисобланади. Бу асосан маҳалла, қишлоқ, овул ва бошқа анъанавий истиқомат қилинаётган аҳоли яшаш манзилларида вужудга келади.

Учинчи жиҳат сўров обьектининг жиноят содир этган шахсга бўлган “симпатияси” ҳисобланиб, шахснинг содир этган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари бирор бир эҳтиёж ёки давлатнинг нотўғри олиб бораётган сиёсати натижасида, деб ҳисблайди. Бунда ғайриқонуний ҳатти-ҳаракат қилаётган шахсларнинг атрофдагиларга қилган ғамхўрликлари ёки ҳомийликлари, шунингдек обрў-эътибори таъсир қилиши мумкин.

Тўртинчи жиҳат сўров обьектининг содир бўлаётган воқеа ва ҳодисага қисман бўлсада алоқадорлигининг мавжудлиги, бунда обьект томонидан тезкор ходимларнинг тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишларида чалкашликларни содир этишлари учун дезинформация бериш ҳоллари кузатилади.

Бешинчи жиҳат сўров обьектларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳатти-ҳаракатларига ишончсизликлари, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бепарволиклари ҳисобланади.

Шунингдек, тезкор ходимлар томонидан сұхбатдош билан ўзаро мулоқотда фикрни бўлиб қўйиш, сұхбатнинг юқори нуқтасида савол билан мурожаат қилиш, тезкор ходимнинг маълумотга эътиборсизлик билан ёндашуви сұхбатдошга аён бўлган лаҳзалардан бошлаб **“сўров”** тезкор-қидирув тадбири самарасиз ўтказилишига олиб келади.

Одамлар, авваламбор, ўзларини қизиқтиришга мойилдирлар. Шунинг учун уларга қизиқиши ортидан ўртоқлашадиган инсонлар билан учрашиш ҳар доим ёқимли. Гапиришдан кўра кўпроқ тингланг, шунда сиз ёқимли ва қизиқарли сұхбатдош сифатида таассурот қолдирасиз. Одамларга севимли мавзулари тўғрисида савол беринг ва уларга чин дилдан гапириш имкониятини беринг. Қизиқиши учун сиз қизиқишиниз керак. Инсонга тўлиқ эътиборингизни қаратинг. Сиз у ҳақида гапираётган нарсага ҳақиқатан ҳам қизиқишинизни кўрсатиш учун онгли равища ҳаракат қилинг. Уни тўхтатманг ёки ўзингизни чалғитманг. [16]



Тезкор-қидириув фаолияти тактикаси муайян тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда тезкор-қидириув куч ва воситаларини белгиланган мақсадга эришиш учун энг самарали тарзда қўллаш усул ва йўллари мажмуидир.[17]

Тезкор-қидириув тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар деганда муайян ҳаракатларни тайёрлаш, таъминлаш ва ўтказишга йўналтирилган, тезкор-қидириув куч ва воситаларини энг самарали тарзда қўллашга қаратилган чоралар ҳақидаги, шунингдек муайян тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда белгиланган натижаларга эришиш усул ва йўллари мажмуюи тўғрисидаги маълумотларни тушуниш лозим.[18]

Юқорида санаб ўтилган жиҳатларда инсонлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор бўлинмалари ходимлари билан мулоқотга киришмас эканлар, тезкор ходимлар қўйидаги тактик усулларни қўллашлари мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, сўров ўтказиш вақти, жойи ҳамда қулайлиги, бериладиган саволларни тизимга солиш;

Бунда шахслар билан кундузги ёки тунгги вақтда, ишда, уйда ёки уйнинг атрофи, кафе, бар ёки ресторанларда, сайлгоҳда ва бошқа жамоат жойларида учрашувни амалга оширишда инсоннинг вазиятга мослашув жараёни тезроқ кечиши, шундай вазиятда бериладиган саволлар аниқ ва тизимлаштирилган бўлса, сўровнинг натижадорлигига эришиш анча осонлашади.

Шундай шахслар борки, жамоат жойларига ташриф буюришни ёқтиришади ва буни тез-тез амалга ошириб туришади. Ушбу шахслар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар маъмурӣ биноларида сўров тезкор-қидириув тадбири ўтказиш самарасиз яқунланиши мумкин. Шу сабабли тезкор бўлинмалар бу борада ўзларининг тактикаларини юқоридаги фикрлар асосида ўзгартиришлари жуда самарали йўл ҳисобланади.

Шунингдек, вақт борасида амалга ошириладиган сўровда аҳамият бериш лозимки, инсонларнинг кўпчилик қисми қуннинг асосий қисмини инсонлар билан гавжум жойларда ўтказишади. Бу эса, уларда суҳбатлашиш ва керакли қизиқувга эга маълумотларни тақдим этишларида ноқулайлик ва зерикишни вужудга келтиради. Масалан, бозорда сотувчи бўлиб ишловчи шахслар билан сўров ТҚТ ўтказиш жараёнида харидорнинг ташриф буюриши, бевосита сўров жараёнида психологик баръерни вужудга келтиради. Шунинг учун баъзи шахслар билан сўровни амалга оширишда қуннинг кечки вақти ёки тунгги вақти танлангани мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, сўровни эркин мавзудан бошлаган ҳолда асосий мавзуга йўналтириш, савол-жавоб шаклида олиб бориш ёки суҳбатдошнинг суҳбатини ҳеч қандай тўсикларсиз, ўзгартиришларсиз тинглаш;

Баъзи шахслар билан суҳбат жараёнида унинг руҳий-эмоционал ҳолатини тезкор бўлинмалар қизиқувидағи маълумотга қаратишда биринчи навбатда жамиятда содир бўлаётган умумий воқеа ва ҳодисалар ҳақида тўхталиниб, сабабий боғланиш асосида асосий мавзуга йўналтирилади. Бу инсоннинг беихтиёр жамиятдаги ҳодисалар билан мақсадли суҳбат мавзусини бирлаштириб юборади.



Савол-жавоб шаклида кўпинча жиноятдан жабрланган ёки уларнинг яқин қариндошлари билан ўтказилган сұхбат жараёнида бўлиб, жиноят содир этилиш жараёнидаги воқеа ва аҳамиятли маълумотларни аниқлаш мақсадида қўлланилади.

Жиноят содир этган шахс билан бундай мулоқот бошқа далилларнинг етарли эканлигидан келиб чиқсан ҳолда, яъни вақт тақсимоти, ҳаракатлар алгоритми ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлигига қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, сұхбатдошнинг сұхбати ҳеч қандай тўсиқларсиз, ўзгартиришларсиз тингланганда, сұхбатдош томонидан руҳий-эмоционал ҳолатидан чиқиб, ички дунёсидаги портлаш асносида сўзлашиши барча сұхбат давомида тезкор ходим томонидан керакли маълумотларнинг фильтрлаб олиниши билан амалга оширилади. Бу тактика бир мунча кўпроқ вақт сарфланишига олиб келсада, лекин жиной элементлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари ижтимоий вазият ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар тўплаш учун яхши имконият ҳисобланади. Масалан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, коммунал хизматлар ҳамда салбий хулқ-атрордаги қўни-қўшнилар ҳақидаги ва ҳ.к. маълумотлар.

Учинчидан, сұхбатдошни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар оқибатига ишонтириш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари устуворлигини тушунтириш;

Бу тактик усулда бевосита атрофидаги ҳодисалар у билан боғлиқ бўлмаган бўлсада, бошқа инсонлар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузаттанилиги, эртами-индин бу ҳолатга ўзи ҳам тушиб қолиш ҳавфи мавжудлиги, шунингдек жамиятда мавжуд бунёдкор ғоялар асосида қурилаётиган ҳар бир эртанги кунимиз ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракат оқибатида тўсиқларга дучор бўлаётганлиги ҳақида батафсил тушунчалар бериб, бунга сұхбатдошнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш ва бу орқали ғайриижтимоий ҳаракатларга муросасизлик туйғусини шакллантириш орқали қизиқиш уйғотувчи маълумотларга эришилади.

Ҳар қандай жамиятнинг муҳим қисми ҳисобланган фуқаролар давлатнинг равнақи ва ривожланиши, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда асосий ролни ўйнайди. Бу қадимдан ўз исботини топган ва бугунги кунда амал қилиниши лозим бўлган қоидага айланган. [19]

Тўртинчидан, сұхбатдошнинг ҳозирги вазиятга тушиб қолишида ғайриижтимоий ҳаракатни амалга оширган шахс айбор эканлигини тушунтириш ҳамда унинг “қайғуси”га шерик бўлиш;

Шундай вазиятлар мавжудки, баъзи бир жиной гурухларнинг маълум бир ҳудудда мустаҳкам позицияга эга эканлиги ёки жиной унсусларнинг кичик ҳудудларга учқунланиши оқибатида инсонларнинг нормал фаолият кўрсатишларида хавф омилиниг пайдо бўлиши кучаяди. Масалан, фарзандларини ёлғиз мактабга ёки савдо дўконига юбориш, кўча-куйда ўртоқлари билан ўйнаш жараёнида гўёки қандайдир салбий ҳолат содир бўлиши мумкинлигига ишониш ҳисси пайдо бўла бошлайди. Шу жараёнда тезкор бўлинмалар томонидан сўров ўтказилган шахсларга ушбу вазиятга тушиб қолинишлигида жиной гурух ёки унсурларнинг мавжудлиги сабаб бўлаётганлиги, бу эса, ўз навбатида бирор бир салбий оқибатга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилган ҳолда тезкор қизиқувга эга маълумотлар тўпланишига ҳамда юқоридаги деструктив омилларнинг бартараф этилишига олиб келади.



Сўров давомида хуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари учун муҳим жиҳат тезкор қизиқишига эга бўлган маълумотларни тақдим эта оладиган шахс билан психологияк алоқа ўрнатиш. Криминологияда бундай жараён шахс томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг сифатли ва ҳақиқатга яқинлигига таъсир қиласди. Асосий мезон сифатида тезкор ходимнинг психологик алоқа ўрнатиши мумкин бўлган асосий фазилатлари киришимлилик, хушмуомалалик, усуздорлик, аниқлилик, сезгириликда. [20]

Бундан келиб чиқадики, сўров тезкор-қидирув тадбирини амалга оширад эканмиз, тезкор бўлинмалар томонидан инсонлар билан муомалага киришища психологик, ижтимоий, ахлоқий ва ҳолатнинг реаллик даражасига қараб ҳаракатларни амалга ошириш лозим.

Бу албатта, жиноятларни барвақт олдини олиш, тайёрланадиган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва барҳам беришда самарали тактика ҳисобланади.

Хулоса қилинганда, ҳар бир ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракат бўладими ёки жиноий унсурлар бўладими буларнинг барчасида инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги асосида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида бартараф этилади. Бунда энг асосий ечим сифатида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларидан максимал тарзда “сўров” тезкор-қидирув тадбири орқали эришилади.

Зеро, ҳар бир ҳатти-ҳаракат замирида инсон қадри, унинг эркинлиги ва манфаатлари ётади. Бунда ҳар бир шахс билан мулоқотни тўғри йўлга қўйиш, инсонларни овворагарчиликларга дучор этмаслик, жиноятларни иссиқ изидан очиш ва зудлик билан ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш энг асосий вазифа ва долзарб муаммо сифатида ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Муқаддима. Т-2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони, 17-мақсад учинчи қисм. <https://lex.uz/docs/5841063>.
3. Файзуллаев Д. О. Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиб давлатимизнинг долзарб вазифасидир! //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 117-123.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, - 2012 й., ЎРҚ-344.
5. Машарипов Т. Э. Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 70-76.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси биринчи қисми, - 2012 й., ЎРҚ-344.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси биринчи қисми, - 2012 й., ЎРҚ-344.



EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center

Open access journal

www.in-academy.uz

8. В.Каримов // "Тезкор-қидирув фаолияти" дарслик. Т-2021, 254-б. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.
9. А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев // Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунига шарҳ, 71-72-бетлар. Т-2015 // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.
10. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 87-модданинг биринчи қисми // Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги ЎРҚ-651-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2020 й., 03/20/651/1577-сон
11. З.Расулов, Судьялар Олий мактаби тингловчиси // <https://aniq.uz/yangiliklar/tezkor-qidiruv-faoliyatini-takomillashtirish-davr-talabi>
12. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси // Тезкор ходимнинг жиноятларни фош этишдаги ҳаракатлар алгоритми, 10-бет.
13. В.Каримов // "Тезкор-қидирув фаолияти" дарслик. Т-2021, 254-б. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.
14. В.Каримов // "Тезкор-қидирув фаолияти" дарслик. Т-2021, 254-б. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.
15. Л.А.Камалиева, Л.Ф.Гарипова // Тактические приемы опроса // Научные междисциплинарные исследования, стр. 161-164// <https://cyberleninka.ru>
16. Дейл Карнеги: дўйстларни сұхбатда қандай ютиш керак?// <https://www.biznesrivoj.uz/kr/articles/deyl-karnegi-do-stlarni-suhabat>
17. А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев // Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунига шарҳ, 143-бет. Т-2015 // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.
18. А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев // Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунига шарҳ, 143-бет. Т-2015 // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.
19. Орипов Т. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИННИГ АҲАМИЯТИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 225-229.
20. О.В.Борисова // Опрос как элемент личного сыска // https://elib.institutemvd.by/jspui/bitstream/MVD_NAM/7219/1/borisova.pdf